тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаган миқдорда пеня тулайди.

6.3."Истеъмолчи"нинг таклифига кура мулжалланаётган узгартиришларгача 10 кундан кеч булмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги хажмларининг узгартирилиши электр энергиясини кам олиш ёки ортиқча олиш деб ҳисобланмайди.

6.4.Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошка масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

## VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1.Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага кура уларни судгача ҳал этиш юзасидан тегишли чораларни курадилар.

Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга ҳам хақлидир.

7.2.Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йўл қуйилмайди, конун хужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган куч, яъни фавкулодда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошкини, ва бошка табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

9.1.Мазкур шартномага узгартиришлар (кушимчалар) томонлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

9.2.Мазкур шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий хисобланади.

9.3. Ушбу шартнома иккала томонлама имзоланиб ҳудудий Ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга киритилиб, руйхатдан утказилган кундан бошлаб 2022 йилнинг “31” декабргача амал қилади.

9.4. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда тўхтатилади.

## X. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

10.1.Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2.Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, томонларнинг хар бирига бир нусхадан колдирилади. Шартноманинг хар иккала нусхалари тенг юридик кучга эга.

## XI.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

| «Ижрочи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| Карши шахар электр тармоклари | Вилоят Фтизиатрия ва пульмонология Маркази |
| (мол етказиб берувчининг номи) | (бюджетдан маблағ олувчининг номи) |
| Манзил:Карши шахар Туркистон 58 | Манзил:Кизил мачит 114 |
| Тел./факс 225-40-45 | Тел./факс 226-24-13 |
| х/в 22636000900177786343 | ш/х* 100021860104017073201054004 |
| Банк номи АТБ Узсаноаткурилиш банк | бюджетдан маблағ олувчи СТИРи201998334 |
| МФО: 00854. СТИР: 200666494 | ОКОНХ 91513 |
| ОКОНХ:11170 | Ғазначилик бўлинмаси номи Вилоят |
| | Ғазна х/в23402000300100001010 |
| | Банкнинг номи Марказий Банк |
| | МФО 00014 |
| | ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919 |
| Раҳбар (Ф.И.Ш) | Раҳбар А.Обилов (лавозим) (Ф.И.Ш) |
| (имзо) | (имзо) |
| М.Ў. | М.Ў. |